

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKEHT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 12 январь, шанба • №03 (11.391)

Эркин нархда сотилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

«O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишонини тъйсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ўн йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва Куролли Кучлар қурилиши ишига муносаб ҳисса кўшган ҳарбий хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида:

1. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишони тъйсис этилсин.

2. «O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlariga 10 yil» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи тасдиқлансан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2001 йил 25 декабрь.

АНГРЕН УЧУН ЛОЙИХАЛАР

«Ўзбекрезинотехника» бирлашмасида хорижий сармоялар иштирокида уч лойихада амалга ошириши устида иш олиб борилмоқда. Янги ишлаб чиқаришни ташкил этишда бирлашмага Германия, Швейцария, Туркия ва Словакиянинг компаниялари ҳамкорлик қилишмоқда.

Биринчи лойихада Германиянинг «Унионматекс» ва Словакиянинг «Матадор» корхоналари иштирокида енгил автомобиллар учун йилига 1,5 миллион дона, юк автомобиллари учун 500 минг дона шиналар тайёрлаш кўзда тутилган. Ушбу ишлаб чиқариш линиясини ишга тушириш учун 80-100 миллион немис маркаси микдорида капитал маблағлар жалб этилади. Лойихада институти ва «Унионматекс» мутахассислари яқиндан ёрдам бердилар.

Иккинчи лойихада кўра, Туркиянинг «Аксеус» компанияси ҳамкорлигига ва Жаҳон банки иштирокида йилига 15 минг тонна электрод ишлаб чиқарилади.

Учинчи лойихада «Ўзбекрезинотехника» бирлашмаси «МРС Интернейшнл Инвестмен энд консалтинг» (Швейцария) консалтинг компанияси ҳамда «Tamed Farma Gmbh» компанияси ёрдамида йилига 2 минг тонна гигроскопик момик ишлаб чиқариш кувватига эга бўлган корхона қуриш кўзда тутилади.

«Туркистан-пресс».



УМР ҚАДРИ

Ҳалқ — донишманд. Топиб айтади.
Юзлаб мақоллар, нақллар, иборалар
борки, уларни ҳалқ тўқиган, тўғрироғи,
ҳаётдан олиб айтган.

Масалан, «Умр оқар дарё». Ёки шунга уйқаш «Юрган — дарё...» нақли ҳам бор. Биринчиси, инсон умри кисқа, кўз очиб-юмгунча ўтиб кетишига ишора бўлса, иккинчиси Юртбошимиз таъкидлаганидек, элим деб, юртим деб ёби яшовчиларнинг кўп хайрли ишларни қилишга улурган шу кисқа умрларини дарёлар саҳоватига менгзашdir.

Заркентлик Тоҷибий ота Ризаев ана шу иккинчи тоифага мансуб инсонлардан. У «Умр оқар дарё» эмаслигини бир хўжалика кирқ иккى йил сурункали раҳбарликда кечган сермаҳсул ва сермазмун умри-атъмоли билан исботлади. Ота хўжалик раҳбаригина эмас. У қишлокнинг бугуни ва эртаси учун ҳам масъул хис этади ўзини. Сўлим тоглар бағридаги яшил Заркент қишлоғи бугун ҳар жиҳатдан обод. Ҳалқи тўқ, фаронов ҳаёт кечириялти. Қишлоқ номи билан аталувчи «Заркент» ширкат хўжалиги нафақат Паркент тумани ёки вилоят,

балки, бугун республикада маълум ва машҳур. Заркентликлар бугун ҳеч нарсага муҳтоҳ эмаслар. Таъминот — юз фоиз. Ҳатто, замонавий шифохонагача бор.

Эл-юрга сидқидилдан хизмат қилган одам ҳеч қаҷон кам бўлмаган. Тоҷибий отанинг кўп йиллик самарали меҳнати юксак қадрланди. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида Президентнинг Фармони билан унга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

— Янги йил арафасида қаҳрамонлик «Олтин юлдуз»ини Юртбошимизнинг ўз қулларидан қабул килид өлганим мен учун бутун ҳаётимдаги энг баҳтили он бўлди, — дейди Тоҷибий ота хаяжон билан. — Оддий бир хўжалик раҳбари учун бундан ортиқ баҳт борми. Колаверса, бу биргина мен эмас, балки бутун ҳамкишлоларимдин камтарона меҳнатига берилган баҳо деб биламан.

СУРАТДА: ҳамкишлолар Тоҷибий отанинг ҳукumatнинг олий мукофоти билан муборакбод этмоқдалар.

Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.

Бугунги СОНДА:

ҚАРС ИККИ ҚУЛДАН

Жиноятчиликни олдини олишда қишлоқ фуқаролар йигини билан ҳамкорлик кучайиб бораётганлиги диккатга сазовордир.

ШУНДАЙЛАР БОР БЎЛСИН

Юзи ёруғлик — фидоийлик, дехкон химматининг ифодасидир. Бундай олижаноблик ҳар бир меҳнати кишислига хос фазилат бўлиб қолаверсин.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Ҳалқимизда «Қоидали иш — келтирмас ташвиш» деган ибратли накл бор. Шунга амал килинса, ҳамма соҳалардаги юмушлар ўз маромида боришига шубҳа йўқ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА:

Жаҳон ҳамжамияти тероррга қарши ҳамкорликда курашишга киришган хозирги даврда ёвуз ниyatli шахсларнинг куни битмокда.

ОНАЛАР ОЛАМИ

Бугун ота-онамизга қилган эътиборимиз, муносабат-муомаламиз эртага ўзимизга Фарзандларимиздан кайтиши мүкаррар.

Тадбир

ҚАРС ИККИ ҚҰЛДАН



Хуқук-тартибот идораларида ислоҳотлар давом этмоқда. Чунончы, милиция хизматини бевосита маҳаллий ўз-ўзини бошқарув идоралари фаолияти билан уйғуллаштириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчилик вакилларининг иштироки күчайтириляпти.

— Иттифоқ, Чигатой Оқтепаси, Ўртаовул, Ўзгариш ва Хонобод қишлоқларида бундай амалий ҳамкорлик самарайлари якъол кўриниб қолди, — дейди Зангигута туман ички ишлар бўлими масъул ходими, милиция майори Махмуд Рихсиеv. — Профилактика инспекторларимиздан милиция майорлари Бахтиёр Холдоров, Бахтиёр Орифжонов, Ботир Нурматов, Баҳодир Ашурев, милиция катта лейтенанти Абдували Бўроновлар халқ посбонлари, маҳалла оқсоқолларига таяниб, ахолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида яхши натижаларга эришишмоқда.

Туманинг Назарбек, Иттифоқ, Чигатой Оқтепаси, Ўртаовул қишлоқларида барча қуайликларга эга милиция таянч пунктларининг очили-

ши нур устига аъло нур бўлди. Назарбек қишлоқ милиция таянч пункти компьютер ва алоқа воситалари билан жиҳозланган. Профилактика инспектори, милиция лейтенанти Баҳодир Алимов жиноятчиликнинг олдини олишда қишлоқ фуқаролар йигини билан ҳамкорлик кучайиб бораётгандигидан мамнун бўлиб гапирди. Маҳалла посбонлари сардори Шукур Носиров раҳбарлигидаги жамоатчилар ҳар бир ишда унинг якин ёрдамчиларига айланишган. Ўртаовул шаҳарчасида милиция

БИРЙЎЛА 7 МАҲАЛЛАДА

Янгийўл шаҳрининг 7та маҳалласида 7та милиция таянч пункти очилди. Улар замонавий техника восталари билан жиҳозланди.

Милиция таянч пунктларининг очилиши маросимларида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиги Шораҳим Расулов, Янгийўл шаҳар ҳокимлиги вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этдилар.

Жамшид ҚАМБАРОВ.

таянч пунктининг очилиши тантанали ўтди. Фуқаролар йигини раиси Солиҳжо Норхўжаев, «Зангигута» ширкат ҳужалиги раиси Иномиддин Мухиддинов, профилактика инспектори, милиция катта лейтенанти Исройл Ҳошимовлар бу ерда кенг кўламли ҳуқуқий-тарбиявий иш олиб борилиши учун шароит яратишга алоҳида жонкуярлик кўрсатишиди. Шинам, исисик, мукаммал жиҳозланган хоналар, маҳлислар зали ҳаммада ёқимли таассурот қолдирди.

Милиция таянч пунктини очиш чоғига вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Абдуқодир Раҳимжонов террорчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирди, жиноятчиликни бартараф этишда барча кучларни бирлаштиришга чакириди.

Жўрабек МУРОДОВ.

соҳалардаги ҳолатлар атрофича муҳокама қилинди. Бошқарма бошлиги Пўлат Ражабов ва бошқа нотиклар асосий эътиборни машҳулар қарорини кенгайтириб, шаҳар ва туман бўлинмалари фаолиятида самарадорликни янада кўтариш масалаларига қаратишиди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошлиги марказининг бошлиги полковник Махмуд Абдуҳолиқов нутқ сўзлади.

ўз мухбириимиз.

Ҳамкорлик

«ЛАЗЗАТ» ХОРИЖНИ ҚЎЗЛАМОКДА

Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер акциядорлик ишлаб чиқариш жамияти ўтган йили савдо шахобчаларига ўн минг тонна қандолат маҳсулотлари, шунингдек, икки минг тонна ҳамиртуруш етказиб берганди.

Жамоа жорий йилда янада юқоририқ натижаларга эришиш, камиди 100 тонна маҳсулотни хорижта жўнатиши режалаштирган. Чет элларда бу маҳсулотларни сотиш маҳсадида дўйонлар ҳам барпо этил-

моқда. Шундай савдо ўйларининг бири Чимкентда ишга туширилди. «Лаззат-Чимкент» деб аталган бу дўйон шириналарни улуржи ва чакана нархларда сотмоқда.

ўз мухбириимиз.

Анжуман

ЭКОЛОГИЯ ВА ТУРИЗМ

«Экосан» ҳалқаро жамғармасида БМТнинг жорий йилни Ҳалқаро экотуризм йили, деб эълон қилгани муносабати билан «Экотуризм – атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва барқарор ривожланиш омили» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Унда тегишили вазирлик, идора, туристик ташкилотлар, дипломатик корпус ва ҳалқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиди.

Дунёда тинчликни мустаҳкамлаш, давлатлараро алоқаларни, жамият маданий тараққиётини ривожлантириш, биосфера ва экология тизимлари барқарорлигини сақлашда туризмнинг аҳамияти катта. Экологик туризм ривожланиши жараёнда табиии заҳираларни асрар-авайлаш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳалқаро келишувлар, жумладан, иқлим ўзгариши, биологик хилма-хиллик, чўлланишга қарши кураш конвенциялари талабларини амалда татбиқ этишининг кенг имкониятлари очилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон сайёхлик имко-

ниятлари бўйича Марказий Осиё мамлакатлари орасида етакчи ўрин тутади. Юритимизнинг гўзал табиати, бебаҳо тарихий ва маданий ёдгорликлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, ранг-баранг табиии иқлим шароити жаҳондаги барча сайёхларнинг диккат-эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Йиғилишда атроф-муҳит муҳофазасини янада яхшилаш, экологик туризмни ривожлантириш, соҳага ҳорижий сармоя жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳалқаро экотуризмни ривожлантириш бўйича Канадада ўтказиладиган ҳалқаро саммит ҳамда «Экотуризм ва Буюк ипак йўли» иккинчи ҳалқаро анжуманига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

**Бахор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.**

ҚЎТАРИНКИЛИК РУҲИДА

Воҳид ШУКУРОВ,
«Нуроний» жамғармаси Қиброй туман бўлинимаси кенгашининг раиси:

— 2002 йилнинг Қарияларни қадрлаш иили деб эълон қилинишини туманимиз меҳнаткашлари, шу жумладан уруш ва меҳнат фахрийларимиз қўтарилик руҳ билан мамнун бўлиб кутиб олдилар. Улар давлатимизнинг бу фамхўрлигига жавобан ижтимоий ҳаётда, қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, маънавий-маърифий тарбия тадбирларидан яна ҳам кенгрок иштирок этишга аҳд килмоқдалар. Шу муносабат билан жамғарманинг барча бошланғич ташкилотлари ўз фаолиятларининг истиқбол режаларни белгилаб олаётирлар. Шу кунларда Оққовок, Тузел, Ўнкўргон қишлоқларидаги бошланғич ташкилотларимиз қарияларнинг хурматини, айниқса, ўрнига кўймоқда. Ўнкўргон қишлоқ ташкилотимиз бу соҳадаги ишлари билан жамғарманинг энг илғор ташкилотлари Республика қўри-

гининг вилоят босқичида биринчи ўринни эгаллади. Биз Эркин Исабоев, Файзулла Қодирхўжаев, Кўнис Қорабеков каби оқсоқоллар етакчиларининг амалий иш таҳрибаларини ҳамиша ибрат қилиб кўрсатмоқдамиз. Фахрийларимизнинг хайрли ва эзгу ишларга бош-кош бўлиб, оқ фотиҳа беришлари ёшларимизга кўшимча куч-ғайрат бағишиламоқда.

Сўнгги йилларда биз уруш ва меҳнат фахрийларига кўшимча равишда 1 миллион 413 минг сўм маддий ёрдам бердик. Бундан ташқари, қарияларга 25,5 тонна картопка, 18 тонна сабзи, 22 тонна пиёз тарқатдик. Бу ишларда Туроб Нормуҳамедов номли ширкат ҳужалиги намуна кўрсатмоқда. Ҳуллас, қарияларимиз эл-юрт эҳтиромини кун сайн ҳис килиб яшамоқдалар. Бу эҳтиром уларга алоҳида мамнунлик бағишилаёт.

ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛСА...

Зафар Йўлдошев,
«ТОШКЕНТАВТОЙЎЛ» вилоят йўл ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш бош муҳандиси:

— Бирлашмамиз ва унинг қарамогидаги йўл ҳужаликларининг асосий вазифаси вилоят ҳудудида умумий фойдаланилайдиган автомобиль йўллари ва уларнинг мажмусига киравчи кўприклар, ўтказилган кувуллар ҳамда йўллар атрофидаги йўл ҳижозлари, иншоатларига хизмат кўрсатиш, улар соҳа ҳолда бўлишини, транспорт воситаларининг белгиланган тезлиқда кечаку-кундуз тұхтөвсиз, бехатар ва хавфсиз ҳаракатланишини таъминлашдир.

Йўлсозларимиз зиммаларидаги бу масъулиятни үддалаш учун барча имконияттаги омилларни сафарбар қилмоқдалар. Йигирма биринчи асрнинг тўнгич йи-

лида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва тъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 1550 километр узунликдаги йўллар тъмирланди, олтига кўприк курилди ва кенгайтирилди. Автомобиль йўлларини жорий тъмирлаш, саклаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди.

Үтган йилни меҳнатда яхши кўрсатичлар билан якунлаган жамоамиз янги йилда бажариладиган ишлар ҳажмини аниқ белгилаб олмоқда. Бу йилда ҳам вилоятимиз ҳудудидан ўтган барча йирик автомобиль йўллари ҳолатини янада яхшилашга ҳаракат қиласиз.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР КҮМАКДОШИ

Ўн йилдирки, Ўзбекистон ўзининг Қуролли кучларига, армияга эса, Ўзининг хавфсизлигини ўзи ҳимоя этмоқда. Ўзбекистон армияси сафларида содик, мард ўғлонлари юрт озодлиги, халқ тинчлиги учун шахдам қадамлар ташламоқдалар.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти эса, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари билан елкама-елка туриб, минглаб ёшларни ҳарбий хизматга чакирилгунга қадар жисмонан, ҳам маънан баркамол бўлишларида ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Шу йиллар мобайнида «Ватанпарвар» республика Қуролли кучларига керакли бўлган бир неча турдаги минглаб мутахассисларни етишириб берди.

— Бизнинг ташкилот асосан ёшлар билан ишлайди, — дейди «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши раиси Карим Ваҳобов. — Ташкилотимизнинг барча туман ва шаҳар кенгашиларидан олтига бўлим фаолият юритади. Шулардан «Маънавият ва ҳарбий-ватанпарварликни тарғиб қилиш», «Спортнинг техник, ҳарбий ва амалий турлари», шунингдек, «Ҳарбий-техник тайёргарлик ва оммавий касб мутахассисларни тайёрлаш» бўлимлари ёшларни ҳар тарафлама етук қилиб тарбиялашга хизмат қиласди.

— Бўлимимиз мутахассислари билан биргалиқда ёшларнинг маънавий дунёкарашини шакллантиришга интиламиз, — дейди «Маънавият ва ҳарбий ватанпарварликни тарғиб қилиш» бўлимни бошлиги Рихсиб Солиҳов. — Бўлажак Ватан ҳимоячиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига Ватани, ҳалқига муҳаббат туйгуларини сингдириш бизнинг асосий вазифамиз. Ташкилотимизнинг туман, шаҳар кенгашиларидан бўлимни бошлиги мактаб, касбхунар билим юртларида, турли ташкилот ва корхоналарда тарбиябот-ташвиқот ишларини олиб борамиз. Хусусан, яқинда вилоят бўйича «Ватан саждагоҳ каби мұқаддасидир» мавзусида эркян сух-

батлар ўтказдик. Шу каби тадбирларда бунгунги кунда юртимизда олиб бораётган ислоҳотлар замирида қандай мақсадлар ётганни, Ватанимизнинг эртанинг келажаги, порлоқ истиқболи хақида фикр-мулоҳазалар юритамиз. Ватандошларимизни, айниқса, ёшларни бу жараёнда фаол қатнашишга кенг жалб этиб, юрт озодлиги, ҳалқимиз фаронвонлиги йўлида бор куч-ғайратларини сарф этишига чакирамиз. Бу борода «Маҳалла», «Нурунний» жамғармалари, шунингдек, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйганимиз. Улар билан ватанпарварлик ойликлари ўтказаяпмиз.

«Спортнинг ҳарбий-техник ва амалий турлари» бўлими ўз-ўзидан маълумки, армия сафига чакирилувчи ўсмир ёшларни жисмонан бақувват бўлишларига, ҳар қандай



СУРАТЛАРДА: 1. Кичик сержант А. Ҳасанов жанговар хизматга отланадиган чегара нарядига йўл-йўрик бермоқда.
2. Зенит қурилмаси оператори оддий аскар Ж.Рўзиев машқда.

Зафар ШАРИПОВ олган суратлар.



вазиятда Ватан ҳимояси учун тайёр туришларига қўмаклашади. Бунда спорт мусобабаларининг уюштирилиши, турили клубларнинг ташкил этилиши диккатга сазовордир.

Ташкилотимизнинг барча шаҳар, туман кенгашилар қошида «Ёш посонлар» клублари тузилди. Бу эса, ўз навбатидан спортнинг техник турларига ёшларни кўпроқ жалб этиш, улар билан кенг қамровли тарбиявий ишларни олиб бориш имконини беради.

2001 йил 14 декабридан 2002 йил 14 январигача ўтказилаётган «Оммавий бирлик» номи остидаги тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича ҳам шаҳар ва туманларда қизғин ҳаракатни кузатиш мумкин. Жумладан, 26 декабрдан бошланган спортнинг кўп турнир бўйича ўтадиган мусобабаларни таъкидлаш жоиз. Унда ҳудуддаги корхона-ташкилотларнинг йигит-қизлари ва ўкув юртларининг юкори синф ўқувчилари ўзаро куч синашадилар. Ушбу мусобабаларнинг иккинчи босқичи

Ватан ҳимоячилари куни — 14 январга мўлжалланган.

«Ватанпарвар» да асосий вазифани баҳарувчи «Ҳарбий техник тайёргарлик ва оммавий касб мутахассисларни тайёрлаш» бўлими Қуролли кучлар сафлари учун затур бўлган ўнга яқин техник малакали мутахассисларни тайёрлаб беради. Ҳайдовчилар, ҳарбий мұхандислар, инструктор ва ҳокозолар шулар жумласидандир.

— Ушбу бўлим мутахассислари кенг миқёда иш олиб борадилар, — дейди Карим Ваҳобов. — Ёшларнинг курол ушлашдан тортиб, ҳарбий техникини бошқаришга бўлган жараёнлар юзасидан машғулотлар ўтказиш билан ушбу бўлимнинг шахартуманлардаги мутахассислари шуғулланадилар. Ойлик ўқишилар ташкил этилган. Қуролли кучлар сафига чакирилиши лозим бўлган йигитлар ушбу ўкув курсларини тутагатидилар.

Хуллас, Қуролли кучларимиз қўмакдоши бўлган «Ватанпарвар» ташкилоти ва унинг вилоятимизда олиб бораётган ишлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Бугун ушбу ташкил ҳам ўн ёшга тўлди. У шу йиллар давомидан кўплаб мутахассис аскарларни тайёрлади, Ватан посонларини тарбиялади, тажрибалар ортириди. Шу асосда у ўз фаолиятини янада такомиллаштираяпти.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мұхбери.

Илмий-амалий анжуман

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидаги олий таълимда мураббийлик институти ва уни тақомиллаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда олий ўкув юртларининг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича ректор ўринбосарлари, мураббийлар кенгашиларининг ифодаси.

Анжуманда "Мураббийлик фаолиятида амалий тарбиянинг мувоффақиятлари ва истиқబоллари", "Кадрлар тайёрлаш милий дастурининг амалий ифодаси" мавзуларидаги маърузалар тингланди. Бу соҳада эришилган ютук ва тажрибалар таҳлил этилиб, уларни барча олий ўкув юртларида жорий этиш, мураббийлар кенгаши ишнини янада фоллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Замон ЭШОНҚУЛОВ,
ЎЗА мұхбери.

Ҳар бир жамоанинг етакчи, илғор кишилари бўлади. Бошқалар улардан намуна оладилар, ўрганадилар, эргашадилар. Шу тариқа умумий ютуқлар кўлами кенгяди, салмоғи ортиб боради. Тошкент туманинаги Охунбобоев номли ширкат ҳўжалиги оиласи пудратчиси ёши етмишларни қоралаган дехқон Набиҳўжа Эшонов ҳақида гап боргандага беихтиёр ана шу фикрлар ёдга келади.

Дарвоқе, суги дехқончиликда қотган Наби ака фаолияти билан танишар эканмиз, миришкорлиқда кам эканлигига ишонч ҳосил қўйдик. У ҳамиша халқни, энли ўйлаб қадам босади. Айримлар бор, биркитилган ерга факат ҳаридоргир, бозорбоп экин экишга ҳаракат киладилар. Шартномаларни бир амаллаб тўлдирган бўладиларда, қолган сара ва ортиқча маҳсулотни сотиб, мўйам даромад киладилар.

Менинг бу мулоҳазамни эшилган Наби ака бош чайкади:

- Биласиз-ку, сабзавот инсон учун энг зарур дори-дармондай гап. Лекин унинг бу ҳосияти қандай қилиб етиширилишига, дастурхонда ҳамма турларининг бисёр бўлишига боғлик.
- Наби Эшонов ўзи айтган бу

ЮЗИ ЁРУГЛИК – ФИДОЙИЛИК ИФОДАСИДИР

сўзларга қатъий амал қиласди. 10 гектарга яқин майдонда картошкадан тортиб, сабзи, пиёз, саримсоқниёз, лавлаги, хуллас, сабзавотнинг ҳар бир туридан, ҳатто кўккатларгача экиб, мўл ҳосил етиширишга ҳаракат килади. Шундай йиллар ҳам бўладилари, об-ҳавонинг куляй келганингидан фойдаланиб, бир майдондан уч марта ҳосил олади.

Қандай қилиб дейсизми?

— Бу сизнинг ерга бўлган муносабатинингизга, ундан қандай фойдаланишингизга, тўғрироғи, ҳар қарич ерни қадрлаб, эъзозлашингизга боғлик, — дейди у. — Мен сизга айтсан, ернинг ҳам жони бор. Экин танлайди. Айрим карталар бор, картопка эксангиз, парваришинни ўрнига кўйсангиз чунонан ҳосил тўқадики, асти кўяверасиз. Айрим далалар эса помидорни хуш кўрмайди. Карам

экилган далада сабзи яхши битмаслиги мумкин. Шунинг учун биз ўзимизга биркитиган майдонларнинг «Феъл-авторини» яхши билиб олиб, шунга яраша мумомала» килиб кам бўлмаяпмиз. Бу бир. Иккинчидан, уруғда гап кўп, деб қайта-қайта айтамиз. Аммо бунга амал қилмайдиганлар ҳам бор. Биз эса, ўзимизга қеракли экинлар урганини алоҳида карталарга экиб, талабга яраша парвариш қилиб етиширамиз. Юқоридан бериладиган ёки тавсия килинадиган ургуларга кўп ҳам умид боғламаймиз. Ахир айтадилар-ку, оғзи куйган қатикин ҳам пулфаб ичади, деб. Бир вақтлар мақтаб берган ургуларни экиб, чув тушив қолганимиз.

Энди ургуни танлаб, саралаб экишнинг ҳосияти катта. Навқрон, ёш одамнинг иши унумли, натижаси самарали бўлганидек,

Шундайлар бор бўлсин

уругнинг ҳам янгиси яхши ҳосил беради. Шуни ҳисобга олиб биз асосан иккинчи, нари борса, учинчи авлодга мансуб сабзабот ургуларидан фойдаланамиз.

Ҳужалик раиси Искандар Фозилов ҳам сухбатимизга қўшилди:

— Айтмовдимми, Наби ака ўз ишининг профессори, деб. У киши билан мулоқотда бўлсанғиз, ҳар сафар дехқончиликка оид. Янгиликка итилиб, излашдан чарчамайдиган дехқонлардан. Шунинг учун ҳар йили 250-300 тоннага яқин сара маҳсулот етказиб беради, шартнома шартларни ортиб билан бажаради. Ҳосилдорликни эса 300 центнердан камайтирамайди.

— Йил якунидан мамнунмиз? — сўраймиз Наби акадан.

— Бўлмасамчи, — дейди у. — Мўл, сифатли ҳосил етиширигандегимиз учун оиласи даромадимиз анча мўмай бўлди. Орзухавасимизга ҳам етиб ортади. Қисқаси, бизга ўхшаган қариялар янада қадрланадиган йилни ёргу юз билан кутиб олдик. Юзи ёргуларни — фидойилик, дехқон химматининг ифодасидир. Бундай олижаноблик ҳар бир меҳнат кишилигига хос фазилат бўлиб қолаверсин.

Носир РИХСИЕВ.

DUSHANBA

14

ВАТАН

ХИМОЯЧИЛАРИ
КУНИ.«Ўзбекистон»

телеқанали

Телетомошибиллар
диккатига!

Профилактика муносабати билан душанба, 14 январь куни «Ўзбекистон 1» телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.
 15.00 «Олтин тоҳ». Телевизион ўйин,
 15.25 «Бир зумда». 15.35 Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг 10 йилингига багишланган тантанали маросимдан репортаж ва концерт.
 16.35 «Ягона оиласа». 17.05 «Тўртинчи»

ҳокимият». 17.25 «Президент Арчаси – вилоятларда». 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Қалқон». 18.30 «Ўзбектелемильм» намойиши: «Мош табиб». 18.50 «Бахтили воқеа». Телелотерея. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 Биржа ва банк хабарлари. 20.30 «Ахборот». 21.05 «Мардлар қўриклияди Ватанни». 21.35 «Сардор». Бадиий фильм. 5-қисм. 22.20 «Спорт, спорт,

спорт». 22.30 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси 58 -қисм. 22.55 «Ахборот – дайжест». 23.15 «Янги йил базми». 3-қисм. 00.30-00.40 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр тонги». 10.00 «Янги авлод» студияси: «Үй вазифаси», «Келинг, танишайлик». 10.35 «Якшанбада кўришгунча». 10.50 Ватан ҳакида кўшиклари. 11.00 «Давр» ҳафта ичиди. 11.30 «Ёшлар овози». 11.50 «Мардлар мактаби» (Ўзбектелемильм) 22.20 «Спорт, спорт,

12.20 «Давр-news». 12.40 «Остона». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм. 13.35 Аскар қўшиклари. 14.05 «Учинчи сайдёра». Маърифий дастури. 14.35 «Алномиши». Мультильм. 14.55 «Жараён». 15.25 «Кусто команда-сининг сув ости саргузашлари». Телесериал. 16.10 «Юрт пособни». Мусикий дастур. 16.25 Спорт ҳафтансаси. * * * 16.40 Кўрсатувлар дастури. 16.45 «Янги авлод» почтаси, «Билағон маслаҳати». 17.15 «Бойсун» (Ўзбектелемильм) 17.35 «Юрт қалқонлари». 1-қисм. 18.05 «Муқаддас бурч». 18.25 «Юрт қалқонлари». 2-қисм. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иқтисод-news. 19.35 «Ёшлар овози». 19.55 «Марду майдон». 20.20 Ватан ҳакида қўшик. 20.25, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.30 «Остона». Телевизион бадиий фильм. 4-қисм. 21.30 «Парвоз». Видеофильм. 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иқтисод-news. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол. 23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.50-00.55 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 Болажонлар экрани. «Бувимни қайтаринг!» 18.30, 20.00, 21.50, 22.35 «Пойтаҳ». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста». 19.10 «Бу ҳам кино». Хужжатли фильм. 19.30, 21.05, 22.20 «Экспрес» телегазетаси. 19.45 «Авто-news». 20.20 ТТВда сериал: «Қайсарава довюраклар». 21.20 «Мирзо Улуғбек». Телевизион. 22.05 «Шифокор маслаҳати». 22.55 Кинонигоҳ. «Хоним ва қароқчи». 00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00 * 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Вести». 17.30 «Каменская». Сериал. 18.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 18.30 М. Евдокимов хузурида меҳмонда. 19.00 «Мени кутгил». 20.00 «Ким миллионер бўлишини истайди?» Телевизион. 21.00 «Время». * 21.40 «Қалб қанотлали». Сериал. 22.20 «ТВ-4да Немис тўлкини». 22.40 Французы киноси кунлари: «Тати Даниэль». Бадиий фильм. 00.10 «Ахборот» (рус тилида) 00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

SESHANBA

15

«Ўзбекистон»

телеқанали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». * 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шархи. 8.55 «Қалқон». 9.15 «Ўзбектелемильм» намойиши: «Истиқлолмази». 9.25 «Қалб гавҳари». 9.45 «Шумтакалар». Мультсериял. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 Алифбо сабоклари. 10.25 Биржа ва банк хабарлари. 10.35 ТВ - метео. 10.40 «Финист - сарлочин». Бадиий фильм. 11.55, 12.45, 13.55 ТВ анонс. 12.05 «Рангин дунё».

12.25 «Бешбармоқ». Тележурнал. 12.50 «23, 5 даражали бурчак остида». Телесериал. 58-қисм. 13.15 «Ўзбекистон ифтихорлари». Спорт дастури. 13.35 «Нафосат гулшани». 14.10 «Кишилөк ҳаёт». 14.25 «Кино оламида». 14.55 «Спорт, спорт, спорт». 15.05 Болалар учун. «Янги йил қувончлари». 15.35 Кундузги сеанс: «Кўпик». Бадиий фильм. 16.55 «Ватанимга хизмат қиласан». 18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчлари». 18.30 «Баркамол авлод орзуси». 18.50 «Бир жуфт қўшиқ». 19.05 «Инсон ва

қонун». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 Умумхалқ референдуми олдидан. «Сиёсат оламида». 21.25 2002 йил – Карилярни қадрлаш ийли. «Париси бор уй». 22.00 «Келин-куёв». Телешоу. 23.00 «Ахборот – дайжест». 23.20 - 23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Мульттомоша». 9.45 «Янги авлод» почтаси, «Билағон

маслаҳати». 10.00 «Бизнес-академия». 10.15 «Мулоқот». Қисқа метражли бадиий фильм. 10.45 Ёшлар овози. 11.05 «Кулулайнинг туғилган куни». Мультильм. 11.30 Интерфутбол. 13.00 «Остона». Телевизион бадиий фильм. 4-қисм. 13.55 «Муқаддас бурч». 14.15 «Қандай ажаб бу дунё». Бадиий фильм. 15.55 «Автосалтанат». 16.10 «Кусто команда-сининг сув ости саргузашлари». Телесериал. * * * 16.55 Кўрсатувлар дастури. 17.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». 17.20 «Ақа-ука Гримм эртаклари». Мультсериял. 1-қисм. 17.45 Солик ҳакида сабоклар.

18.00 Ватан манзаралари. 18.20 Оқшом наволари. 18.30 Автопатрул. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр». Ахборот дастури. 19.30 Иқтисод-news. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Давр»-интервью. 19.55 «Ёшлик наволари». 20.10 «Сифат белгиси». 20.15 «Ёшлар овози». 20.35, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.40 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 1-қисм. 21.30 «Кишилодаги тенгдошим». 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иқтисод-news. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. 23.45 «Давр». Ахборот дастури. 24.00-00.05 Хайрли тун!

шахрим! **«Халқаро» телеканал** РЖТ 7.30-9.00 * 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.00 Болажонлар экрани. «Денгиз итлари». 1-қисм. 18.25 «Том ва Жерри». Мультильм. 18.30, 20.00, 21.50, 22.35 «Пойтаҳ». Ахборот дастури. 18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста». 19.10 «Ҳалқ саломатлиги йўлида». 19.30, 21.05, 22.05 «Экспрес» телегазетаси. 19.45 «Дурдана». 20.20 ТТВда сериал: «Қайсарава довюраклар». 21.20 «Хонадонингиз осоишта бўлсин». 22.20 «Интерспорт». 22.55 Кинонигоҳ. «Бинго-Бонго». 00.25-00.30 Хайрли тун,

CHORSHANBA

16

«Ўзбекистон»

телеқанали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». * 8.35, 17.55 ТВ-маркет. 8.40 Газеталар шархи. 8.55 «Ўзбектелемильм» намойиши: «Қалб садолари», «Нодир хазина». 9.20 , 10.45 ТВ - метео. 9.25 «Сиёсат оламида». 9.45 «Топилмалар идораси». Мультфильм. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Баркамол авлод орзуси». 10.25 «Қишлоқ ҳакида ўйлар». 10.50 «Киммат бола». Бадиий фильм. 12.05 «Инсон ва конун».

12.25, 13.00, 13.55 ТВ анонс. 12.30 «Париси бор уй». 13.05 «Экспедиция». Телесериал. 27-қисм. 14.10 «Остонаси тиллодан». 14.35 «Қишлоқлар». Мультильм премьераси. 14.45 «Ринг». Спорт дастури. 15.00 Кундузги сеанс: «Дўст». Бадиий фильм. 16.25 «Ягона оиласа». 16.55 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув. 17.15 «Доктор-шоу». 18.10 «Болаликнинг мовий осмони». 18.35 «Ажаб саодат зурур». 18.55 ТВ хазина. 19.05 «Тағсилот». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 «Бир жуфт қўшиқ». 20.30 «Ахборот». 21.05 Ўзбекистон халқ артистлари. 21.30 «Ифтихор». 21.50 «Спорт, спорт, спорт». 22.00 «ТВ-клуб». 22.25 «Олам». Телеальманах. 23.00 «Ахборот – дайжест». 23.20 - 23.25 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр». Ахборот дастури. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». 9.35 «Ақа-ука Гримм эртаклари». Мультсериял. 2-қисм. 10.00 «Давр»-интервью. 10.15 «Ишибилармон кишилар». Бадиий фильм. 11.05 «Кинотақдим». 11.25 «Ёшлар овози».

11.45 Болалар экрани: «Оловуддиннинг сехли шамчироғи». 13.05 «Ёшлар» телеканалида спорт: Тенис. 13.45 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 1-қисм. 14.30 «Хайрат». 14.50 «Кусто команда-сининг сув ости саргузашлари». Телесериал. 15.35 Автопатрул. 15.55 Мусикий лаҳзалар. 15.35 «Озод юрт фарзандлари». Видеофильм. 20.30, 21.25, 22.35 Эълонлар. 20.45 «Чарли шампани». Бадиий фильм. 2-қисм. 21.30 «Чемпион сирлари». 21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.30 Иқтисод-news. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. 23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.50-00.55 Хайрли тун!

«Халқаро» телеканал РЖТ 7.30-9.00 * 17.00 Кўрсатувлар тартиби. 17.05 «Вести». 17.30 «Каменская». Сериал. 18.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви. 18.30 Машхурлар. Шон-шуҳрат синовида. 19.00 «Муҳаббат замини». Сериал. 19.55 «Сўнгти қаҳрамон». 21.00 «Время». * 21.35 «Қалб қанотлали». Сериал. 22.15 «CNN шоу». 22.30 Французы киноси кунлари: «Ҳалокат зинапояси». Бадиий фильм. 24.00 «Ахборот» (рус тилида) 00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»

PAVSHANBA

17

«Ўзбекистон»

телеқанали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». * 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шархи. 8.55 «Ажаб саодат

эрур». 9.15 ТВ метео. 9.20 «ТВ - клуб». 9.45 «Ўзбектелемильм» намойиши: «Ўзбекистон маркази». Примьера. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Бошқача ҳаёт».

лари. 14.35 «Экспедиция». Телесериал. 28-қисм. 15.25 «Дунё адабиёти». 15.45 ЎзТВ хазинасидан: В. Гюго. «Киролнинг дилхуши». 17.20 Ўзбекистон халқ артистлари. 17.45 «Харита». Ҳалқаро шарх. 18.10 «Тилга этибор». 18.30 «Яхши ният». Телелотерея. 19.05 «Кўйла, ёшли-

гим». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.30 Эълонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртаклари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 «Ватан мадҳи». 21.35 «Бугуннинг гали». 21.55 «Рӯҳият манзаралари». 22.30 «23,5 даражали бурчак остида». Телесериал премьераси. 59 -қисм. 22.55 «Ахборот – дайжест». 23.15 - 23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 «Давр».

<p>шарх». Ўзбекистон Республикасининг референдуми олдидан.</p> <p>13.50 «Чарли шампани». Бадий фильм. 2-кисм.</p> <p>14.40 «Сифат белгиси».</p> <p>14.45 «Кўли гул уста».</p> <p>15.05 «Кусто команда-сининг сув ости саргузашлари». Телесериал.</p> <p>15.50 «Озод юрт фарзандлари».</p> <p>Видеофильм.</p> <p>16.05 Мусикий лаҳзалар.</p>	16.15 «Кин-дза-дза». Бадий фильм. 1-фильм. ***	19.35 ТВ-анонс.	22.40 «Мұхаббат қаҳваси». Телесериал.	«Пойтахт». Ахборот дастури.	курсатув	эмасмиз». Ҳажвий журнал.
	17.20 Кўрсатувлар дастури.	19.55 Бир жуфт қўшиқ.	23.05 «Ёшлар» телекалида спорт: Интерфутбол.	23.05 Кинонигоҳ, «Миллион дардида».	19.05 «Мұхаббат замини». Сериал.	
	17.25 «Янги авлод» студияси: «Катта танафғус».	20.05 «Ёшлар овози».	23.50 «Давр». Ахборот дастури.	00.05-00.10 Хайрли тун, шахрим!	20.05 «Бўш халқа». Шоу ўйин.	
	17.50 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсерериал. 3-кисм.	20.25 XX аср шеъриятидан. Гафур Ғулом.	00.50-00.55 Хайрли тун!	21.00 «Время».	21.00 «Время».	
	18.15 Нарпал ёшлари.	20.30, 21.20, 22.35 Эълонлар.	«Тошкент» телеканали	«Халқаро» телеканал	21.35 «Қалб қанотла-ри». Сериал.	
	18.25 Оқшом наволари.	20.35 «Чарли шампани». Бадий фильм. 3-кисм.	17.15 Кўрсатувлар тартиби.	РЖТ 7.30-9.00	22.15 «Соккер клуб».	
	18.35 Табобат оламида.	21.25 «Ватан ҳакида қўшиқ».	17.20 ТТВда сериал:	17.00 Кўрсатувлар тартиби.	22.35 Француз киноси кунлари: Луи де Фюнес «Катта таътил» фильмиди.	
	18.55, 21.55 Иклизим.	21.30 Мезон.	«Селеста, ҳамиша Селеста».	17.05 «Вести».	00.10 «Ахборот» (рус тилида)	
	19.00 «Давр». Ахборот дастури.	21.50 Олтин мерос.	19.10 «Динозаврлар билан сайд». Ҳужжатли фильм. 1-кисм.	17.30 «Каменская». Сериал.	00.35 «Түнингиз осуда бўлсин!»	
	19.30 Иктисад-news.	22.00 «Давр». Ахборот дастури.	19.40, 21.05, 22.30, «Экспресс» телегазетаси.	18.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.		

JUMA

18

«Ўзбекистон телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00 - 8.35 «Ахборот».

* 8.35 , 17.55 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шархи.

9.00 «Олтин мерос».

9.25 , 12.25 ТВ метео.

9.30 «Фозу турналар», «Нўҳат полвон».

Мультифильмлар.

10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгиликлар

10.05 «Мис тоб бекаси». Бадий фильм.

11.25 «Олами асранг!»

11.45 «Ўзбекtele-фильм» намойиши: «Мингбулоқ мамлакати».

11.55, 13.55, 15.20 ТВ анонс.

12.05 «Ўзлигин

намоён қил». Экранда - Наманган вилояти.

12.30 «Рухият манзаралари».

13.05 «Ватан мадҳи».

13.30 «23, 5 даражали бурчак остида».

Телесериал. 59-кисм.

14.10 «Бугуннинг гапи».

14.30 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари».

14.50 «Қўшиғимиз сизга армугон».

15.25 Кундузги сеанс: «Зўр ўтирибмиз».

Бадий фильм.

16.35 «Ўйла, изла, топ!». Телемусобақа.

17.15 «Куш ҳам эмас, ҳайон ҳам», «Эзги Корбобо». Мультифильмлар премьераси.

17.35 «Келажакка интилиб».

18.10 Болалар учун. «Қўзмунчок».

18.25 «Омад қувонни». Телелотерея.

19.05 «Зиё» студияси

намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 Тиббиёт одимлари.

20.30 «Ахборот».

20.50 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.

21.40 Умумхалқ референдуми олдидан. «Парламент вақти».

22.00 «Спорт, спорт, спорт».

22.10 «Оталар сўзи - аклнинг кўзи».

23.10 «Ахборот - дайжест».

23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсерериал. 3-кисм.

9.40 «Янги авлод» студияси: «Катта танафғус».

10.05 «Давр»-интервью.

10.20 «Совға». Киска метражли бадий фильм.

11.00 Ёшлар овози.

11.20 Болалар экрани: «Гўзал Ойсулов хақида ривоят».

12.30 Мусикий лаҳзалар.

12.40 Интерфутбол.

14.15 «Мени тушун» Телеўин.

14.35 «Чарли шампани». Бадий фильм. 3-кисм.

15.20 «Мезон».

15.40 «Кин-дза-дза». Бадий фильм. 2-кисм.

16.45 Кўрсатувлар дастури.

16.50 «Янги авлод» студияси: «Ҳамма нарсани билишни истайман».

17.10 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсерериал. 4-кисм.

17.35 «Олов билан юзма-юз».

17.50 Автосалтанат.

18.05 Жараён.

18.35 «Ҳукуқ ва бурҷ».

18.55, 21.55 Иклизим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 Иктисад-news.

19.40 «Ёшлар овози».

20.00 Бир жуфт қўшиқ.

20.10 «Аср қиёфаси».

20.30, 21.25, 22.35 Эълонлар.

20.35 «Чарли шампани». Бадий фильм. 4-кисм.

21.30 «Аскар мактублари».

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.30 Иктисад-news.

22.40 «Мұхаббат қаҳваси». Телесериал.

23.05 «Ёшлар» телекалида спорт: Ринг кироллари.

00.05 «Давр». Ахборот

дастури.

00.20 «Икки минг йилдан сўнг». Телесериал.

00.40-00.45 Хайрли тун!»

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

18.00 Болажонлар экрани: «Денгиз итлари» 4-кисм.

18.25 Мультифильм.

18.30, 20.00, 21.35, 22.40 «Пойтахт».

18.45 ТТВда сериал: «Селеста, ҳамиша Селеста».

19.10 «Динозаврлар билан сайд». Ҳужжатли фильм. 2-кисм.

19.40, 21.05, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.

20.20 ТТВда сериал: «Кайса ва довораклар».

21.20 «Долзарб мавзу».

21.50 «Авто-news».

22.20 «ТВ плюс».

23.00 Кинонигоҳ, «Миллион дардида».

24.00-00.05 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканал

РЖТ 7.30-9.00

17.00 Кўрсатувлар тартиби.

17.05 «Вести».

17.30 «Каменская». Сериал.

18.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

18.35 CFI тақдим этади: «Бешинчи ўтнов».

19.00 «Мұхаббат замини». Сериал.

21.00 «Время».

21.35 «Қалб қанотла-ри». Сериал.

22.15 «Дурдаршан».

22.40 Кинонинг олтин асри: «Спартак». Бадий фильм. 2-кисм.

00.10 «Ахборот» (рус тилида)

00.35 «Түнингиз осуда бўлсин!»

Shanba

19

«Ўзбекистон телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00-8.35 «Ахборот».

* 8.35 ТВ маркет.

8.40 Газеталар шархи.

8.55 «Мусикия бўстони».

9.15, 11.05 ТВ метео.

9.20 «Зиё» студияси намойиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».

9.40 «Ўзбекtele-фильм» намойиши: «Тут сайли». Премьера.

9.55 «Маърифат». Телеальманах. «Тирик сайёра» кинодастури:

10.15 «Ноилож сайёдлар». Ҳужжатли фильм.

11.10 «Спорт, спорт, спорт».

11.20 Болалар учун.

«Қўзмунчок».

11.35, 12.15, 15.50 ТВ анонс.

11.40 Телевизион миниатюралар театри.

12.20 ТВ-1 кинотеатри: «Жаннат». Бадий фильм. 1-кисм.

13.35 «Цирк, цирк, цирк».

14.00 «Жаннат». Бадий фильм. 2-кисм.

15.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.

15.55 «Ягона оиласда».

16.25 «Оталар сўзи - аклнинг кўзи».

17.25 «Мўъқизалар майдончаси». Телевизион ўйин.

18.15 «Бир зумда».

18.25 Болалар учун. «Фламинго».

18.45 «Рангин дунё».

19.05 «Қишлоқ хаёт».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эртаклари.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Мусикий учрашувлар».

21.40 «Футбол олами».

22.00 «Балли, раислар!». Телемусобақа.

23.00 «Ахборот - дайжест».

«Ёшлар» телеканали

7.55 Кўрсатувлар дастури.

8.00 «Давр тонги».

9.00 «Янги авлод» студияси: «Ҳамма нарсани билишни истайман».

9.20 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсерериал. 4-кисм.

9.45 «Табобат оламида».

10.05 «Жаҳон жуғрофијаси».

10.55 Ёшлар овози.

11.15 «Аср қиёфаси».

11.35 «Ёшлар» телекалида спорт: Ринг кироллари.

12.35 «Азизим».

13.00 Ёшлик наволари.

13.10 «Ёшлар» телекалида спорт: Теннис.

13.50 «Чарли шампани». Бадий фильм. 4-кисм.

14.40 Кутимаган меҳмон.

15.00 Бадий фильм.

16.30 «Янги авлод» студияси: «Имкон». Телеўин.

17.10 «Ёшлар овози».

17.30 «Саломатлик сирлари».

17.50 «Футбол плюс».

18.10 «Бизнес-академия».

18.25 Оқшом наволари.

18.35 Лаззат.

18.55, 21.55 Иклизим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.30 ТВ-анонс.

19.35 Каталог.

19.45 «Давр»-интервью.

20.00 Мусикий лаҳзалар.

20.10 «Хайрат».

20.30, 21.25, 22.30 Эълонлар.

20.35 «Полиция комисари». Сериал.

21.30 «Умр дафтари». Турғун Алиматов. 1-кисм.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.35 Тунги тароналар.

22.45 «ТВ-саёҳат».

23.05 «Мөрг кўчасидаги котиллик». Бадий фильм.

00.35-00.40 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 Болажонлар экрани: «Руслан ва Людмила». 1-2-сериялар.

17.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бакадам».

19.25, 20.45, 22.45 «Экспресс» телегазетаси.

20.10 «Саломатлик

маскани».

20.25 «Ибрат».

21.00 «Жаҳон жуғрофијаси».

21.55 «Ташриф».

22.05 М. Бобоев. «Қўнгил кўчалари». Видеофильм. 45-кўй.

23.00 Кинонигоҳ, «Юз бир кечна».

00.25-00.30 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканал

9.00 Кўрсатувлар тартиби.

9.05 «Дурдаршан».

9.30 «Соккер клуб».

9.50 «CNN шоу».

10.10 Е. Петросяннинг Кулғи панорамаси.

10.45 «Лаззат».

11.05 «КВН». 40 йил лавҳалари.

12.00 «Ҳайвонот олами».

12.40 CFI янгиликлари.

12.50 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун кўрсатув.

13.15 «Оҳанрабо».

14.20 «Мусикий учрашувлар».

14.55 «Мўъқизалар майдончаси». Телевизион ўйин.

15.45 О. Генри. «Севишганлар тухфаси». Теленовела.

16.10 «Кўхна замин оҳанглари».

16.40 «Футбол олами».

17.0

Маълумки, 2001 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Гастрол-концерт фаолияти соҳасида солиқ солиши ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чоратаддирлари тўғрисида» қарори эълон қилинди.

Унинг ижросини таъмин этиш юзидан эса Тошкент вилояти ҳокимининг ўтган йил 14 ноябринда маҳсус қарори ҳам қабул қилинди. Бу қарор ўз вақтида барча туман ва шаҳар ҳокимликларига етказилган эди. Унда қайд этилишича, гастрол-концерт фаолияти билан шугулланыш ҳукуки учун лицензия олуви юридик ва жисмоний шахслар «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан белгиланадиган рейтинг гурӯига кўра табакалаштирилган мандирда давлат божи тўлайдилар ҳамда бюджетга давлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар тўлашдан озод этиладилар; грампластинкалар, аудио ва видео кассеталар, лазер дискларни ишлаб чиқариш, кўлайтириш ҳамда сотиш бўйича фаолият фоқат юридик шахслар томонидан амалга оширилади ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан лицензиялаштирилди; лицензияга эга бўлган юридик шахслар мулк солиғидан ташқари солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини тўлаш ўрнига бюджетта табакалаштирилган ставкалар бўйича ялпи даромад солиғи тўлайдилар. Хўш, орадан шунча вақт ўтиб, бу ишларда биронта силлих бўлдими? Биз шу савол билан «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси вило-

ят бўлими раҳбари Рамзиддин Икромовга мурожаат этдик.

- Вилоят ҳокимининг қарорига асосан шаҳар ва туман ҳокимларни мазкур масалалар билан шугулланувчи вакилларини белгилаш-

кўпгина солиқлардан озод этиладилар. Бу ишмизни бир қадар осонлаштиради, катта имкониятлар яратади. Афсуски ҳозиргача бирон бир туман ва шаҳарда бу борада биронта ташкилий иш қилинмади. Бу маъсулиятсизлик, белгиланган қонунлардан бўйин товлаш эмасми?

- Вилоят ҳокимининг 2001 йил 9 декабрдаги қарорида яна бир бор қатъий қилиб белгилаб кўйил-

Қарор ва ижро

ларга нисбатан кескин чоралар кўлланилади, - деб давом этди Р. Икромов. - Айни пайтда биз ҳам кўпгина тадбирларни амалга ошироқдамиз. Туманларда, шаҳарларда фаолият кўрсатувчи шахсларга лицензия олиш, бундан бўён қонуниш иш юритиш борасида тушуниши ишлари олиб бордик. Учрашувларда, сухбатларда, вилоят давлат солиқ бошқармаси, ички ишлар бошқармасининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси, божхонанинг масъул ходимлари ҳам иштирок этдилар. Бундан ташқари ички ишлар участка профилактик нозирлари билан ҳам сухбат ўтказдик. Энди улар ўз худудларидаги ахволни қатъий назорат киладилар.

Яна бир гап. Ҳар бир туман ва шаҳарда маданият бўлимлари фаолият кўрсатиб келади. Улар фақатгина оммавий тадбирларда концерлар уюштириши билан чекланиб колаятилар. Аслида вилоят ҳокимининг қарорини бажаришда улар ҳам бевосита иштирок этишлари зарур. Ана шундагина қонун-коидалага тўлиқ амал килинади, кўзда тутилган солиқлар тўланади, ижодий ҳамда тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилади. Халқимизда «Коидалиш - келтирмас ташвиш» деган ибратли накл бор. Шунга амал килинса, ҳамма соҳалардаги юмушлар ўз маромида боришига шубҳа йўқ.

Таълим ислоҳотлари – амалда

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккичи босқичи ўқув юртларида таълим ва тарбия жараёнини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш, ўқитувчилар малақасини ошириш, соҳага замонавий технологияларни, компьютер, интернет, масофадан ўқитиши тақозо этади.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт, бизнес, мутахассисларнинг малақасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамкорликда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккичи босқичида академик лицей ва касбхунар колледжлари тизимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзууда ўтказган семинарда мутахассисларнинг шу ҳақдаги маърузалини тингланди.

Анжуманда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири С. Фуломов иштирок этди.

Замон эшонқулов, ўзА мухбири.

ХУЖЖАТИНГИЗ БОРМИ, БИРОДАР?!

лари лозим эди. Афсуски шу пайтacha Чирчик шаҳридан бўлаш хеч қайси ҳудуддан биронта вакил бизга мурожаат эттани йўқ. Вакил дастлаб сухбатдан утиши, шундан кейин юкорида тилга олинган юмушларни назорат этиши зарур. У лицензия олиш учун хужжатларни қабул қилиди ва бизга тақдим этади. Лицензиялар асосан гастрол-концерлар ташкил этиши, тўйларда, барларда, дикотекаларда хизмат кўрсатиш учун берилади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида таъкидланганидек давлат божи тўлагач фаолият юритувчилар

дик, фаолиятнинг кўрсатиб ўтилган турлари билан тегишли лицензия олмасдан шугулланувчи шахслар амалдаги қонуларга мувофиқ жавобгарликка тортиладилар; шаҳар ва туман ҳокимларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Тошкент вилояти бўлимига гастрол-концерт, грампластинкалар, аудио-видео кассеталар, лазер дискларни ишлаб чиқариш, кўлайтириш ва сотишни назорат киливчи вакилларини тавсия қилишлари, уларнинг иш юритишларини мувофиқлаштиришлари шарт. Кўриниб турибдик қарорни ижро этмаган-

ЁШ КАРАТЭЧИЛАР – МАЙДОНДА

Анъанавий каратэ-до федерациясининг Фазалкент ўқувчи-ёшлар гурӯхида машқлар мунтазам олиб борилмоқда. Бу машгулотларда 110дан ортик ўқувчи қатнашаётир. Катта-катта ҳалқаро мусобақаларда иштирок этган маҳоратли спорт устаси Жамшид Эрматов уларга устозлик қилмоқда.



Польшанинг Замош шаҳрида ўтган ҳалқаро турнирда устозимиз биринчи ўринни эгаллаганлар, — дейди ёш спортчи Ниёз Юнусов хавас билан. — Россиядага ўтган мусобақада ҳам кўпгина рагиблардан устунлик қилганлар. Қора белбоғ соҳиби Жамшид Эрматов наебатдаги машгулотни ўтказмоқда. 3. Мусобақа пайтидан лавҳа.

СУРАТЛАРДА: 1. 10-11 ёшлар ўртасида каратэ-до бўйича биринчи ўрин соҳиби Шаҳзод Эрпўлатов ғалаба шохсупасида. 2. Қора белбоғ соҳиби Жамшид Эрматов наебатдаги машгулотни ўтказмоқда. 3. Мусобақа пайтидан лавҳа.

**Владимир ПОРТНОВ
олган суратлар.**



Ёшлар карнавали

«Ўзқўргазмасавдо» мажмууда пойтактимиздаги олий ўқув юртлари талабалари, ўзбек эстрада санъатининг ёш ва истеъодли намояндайлари – «Умид юлдузлари» фестивали совриндорлари иштирокида ёшларнинг янги йил карнавали бўлиб ўтди.

Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Узтелерадиокомпания ҳамда «Замин» студияси томонидан талабаларимиздинг қиши таътили мароқли ўтказиши, ўзаро дўстликни мустаҳкамлаш, шунингдек, ёш истеъододларни кўллаб-куватлаш мақсадида ташкил этилди.

«Замин» студияси раҳбари С. Абдуллаев саҳнада шаҳар ҳокимлиги, «Бетакорпор лиbos эгаси» каби кўриктанловларга кенг ўрин берилди. Саҳнани бадиий безаш ишларини Тошкент ҳалқаро бизнес маркази ва «Совпластитал» кўшма корхонаси амалга ошириди.

— Мустақил мамлакатимизда илк бор ўтказилган ушбу карнавал самимийлиги, ёшларга хос шихоати ва жўшқинлиги билан менда унтуилмас хотира қолдирди, — деди ўзА мухбири билан сухбатда Тошкент давлат жисмоний тарбия институти 2-курс талабаси Умиджон Саидов. — Бу ерда янги танишлар ортиридим, улар билан ўтиш ва изланишларимиз тўғрисида сухбатлашдик.

— Мени тенгдошларимизнинг замонавийлик ва миллийликни ўзида уйғунлаштирган либослари ҳайратга солди, — деди Узбекистон Миллий университети талабаси Азиза Юсупова. — Карнавалда намойиш этилган ҳар бир лиbos, аввало, ёш чеварларимизнинг улкан истеъододи, ўзига хос «дид ва нафосатидан, қолаверса, санъаткорона изланишидан далолат беради.

**Бахор ХИДИРОВА,
ўзА мухбири.**

Футбол

Олий лигамиз – қўчиллар орасида

Футбол тарихи ва статистикаси ҳалқаро федерацияси 1991 йилдан бўён йил давомида ўтказилган миллий ва ҳалқаро мусобақалар натижалари маҳсус формулаб бўйича ҳисоблаб, дунёдаги энг кучли футбол лигалири рўйхатини эълон қилмоқда.

Испания биринчилиги мазкур федерация томонидан 2001 йилнинг энг кучли лигаси деб топилди. Худди ўтган йилгидек, Англия премьер-лигаси ва Италияning "A" серияси иккичи ва учинчи поғонада қайд этилди.

Ўзбекистон миллий биринчилигининг олий лигаси, федерация назиди, жаҳондаги энг кучли 50 та лига рўйхатидан 41-поғонага лойик курилди.

Шоҳмот Косимжонов Карповдан олдинда

Ҳалқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ уч ойда бир марта жаҳоннинг энг кучли шахматчилари рўйхатини эълон қилади.

2002 йилдаги дастлабки рейтингда россиялии шахмат устаси Гарри Каспаров 2838 очко билан етакчилик қилмоқда. Ундан 29 очко кам тўплаган Владимир Крамник иккичи, хиндишонлик Вишванатан Ананд 2757 очко билан учинчи поғонани эгаллаган.

Ўзбекистонлик истеъододли ёш гроссмейстер Рустам Косимжонов 2695 очко билан кучлилар рўйхатининг 15-поғонасида қайд этилган. Яна бир машҳур россиялик шахматчи Анатолий Карпов эса Р. Косимжоновдан иккичо очко кам тўплаган ҳолда 16-уринни эгаллаб турибди.

(ўзА).



Ёвуз ниятили одамлар

«Ал-Қоида»нинг «маънавий отаси», Усома бин Лодиннинг «ўнг қўли» кимлигини биласизми? У Айман аз-Завоҳирий, 1951 йил Қоҳирада жарроҳ оиласида дунёга келган. Мисрда фаолияти таъқиқланган ташкилотга аъзо бўлгани учун биринчи марта 15 ёшида ҳибса олинган, бироқ жинояти исботланмагани туфайли озод этилган. Орадан йиллар ўтгач, Миср хавфсизлик хизмати жиддий хатога йўл қўйганини англаб етди. Лекин, энди кеч эди.

«Ал-Қоида» ҳар доим энг шиш лозим, деган фикри ашаддий террорчилар учун ишончли паноҳ бўлиб келган. Турли міллат ва элатларга мансуб, ёвуз қарашларни тарғиб қилган террорчилар айнан «Ал-Қоида» орқали танишиб, бирлашган. Ташкилотдаги энг муҳим ва масъулиятли лавозимларни ҳамиша мисрликлар эгаллаган. Уларни жарроҳ Айман аз-Завоҳирий бошқариб турди. Айнан шу шахс, мана бир неча йилдирки, Усома бин Лодиннинг суюнган тоғи бўлиб келмόқда.

1992 йили Усома бин Лодин ҳамда Айман аз-Завоҳирий «Яхудий ва салбичаларга қарши курашнинг ҳалқаро ислом фронти» тузылганини эълон қилди. Унинг асосий вазифаси терроризмни ривожлантиришдан иборат деб белгиланди. Бироқ, бу фикр «Ал-Қоида»нинг мисрлик аъзомлари томонидан қўллаб-куватланмади. Улар жиход эълон қилинган давлатлар ҳукуматларига қарши кура-

Бобур СОБИРОВ,
ЎзА шархловчиси.

ЭНГ ОФИР БУЛЬДОЗЕР



Дунёдаги энг оғир бульдозер Челябинск трактор заводи томонидан 1984 йилда ишлаб чиқарилган «Т-800» бульдозери хисобланади. 1990 йилга қадар завода ҳар бири 100 тонна тош босувчи бундай бульдозерларни 9таси ишлаб чиқарилган.

«ТОЗА ҲАВО – ТАНГА ДАВО»

Хиндишонлик Мастрям Болу билан боғлиқ ушбу маълумотни ўқигач, ҳар қандай киши ҳам шундай фикрга келиши аниқ. Читра қишлоғилик бу соков факир 22 йил шаҳарга олиб борувчи катта йўл ёқасидаги дўнгдан жилмаган, кечани ҳам, кундузни ҳам шурда ўтказган.



Лондон. Машхур Бигбен соатли минараси.

«6+2» гурухига аъзо давлатлар вакиллари келаси ҳафта Кобулда учрашув ўтказмоқчи. Учрашувда Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Хитой, Эрон, Покистон, Тоҷикистон ва Туркманистон вакиллари иштирок этади. Улар Афғонистон иқтисодини тиклашда муваққат ҳукуматга ёрдам кўрса-тиш масалаларини муҳокама қиласи.

И сроил адлия вазири Меир Шитритнинг фикрича, бир неча кун илгари Қизил денгизда ушланган қурол-аслача ортилган кема Фаластин жангарилига тегишилдири. Фаластин раҳбари Ёсир Арафот бу ишга бевосита алоқадор, деди у. Бироқ, Фаластин томони Исройлнинг айловини рад этмоқда.

21-22 январь кунлари Япония пойтахтида Афғонистон иқтисодини тиклаш масаласига бағишланган ҳалқаро анжуман ўтказилади. Унда элликтан ортиқ мамлакат ҳамда ҳалқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этиши кутилмоқда.

Жанубий Африка Республикасида (ЖАР) Исройл ва Фаластин вакилларининг учрашуви бошланди. Тадбирда ЖАР президенти Табо Мбеки ҳам иштирок этмоқда. Уч кунга ҷўзиладиган ушбу анжуманда Исройл-Фаластин тинчлик музокараларини тиклаш масалалари муҳокама қилинади.

Япония бош вазири Дзюнитиро Коидзуми Жанубий шарқий Осиё давлатлари бўйлаб сафарга чиқди. У Филиппин, Малайзия, Таиланд, Индонезия ҳамда Сингапурда бўлади ва ушбу давлатлар раҳбарлари билан минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзидан музокара қиласи.

АҚШ давлат котиби Колин Паузл келаси ҳафта Хиндишон ва Покистонга бормоқчи. Давлат департamenti расмий вакили Ричард Баучернинг айтишича, К. Паузл мазкур мамлакатлар раҳбарлари билан учрашиб, иккى давлат ўртасидаги кескинликни бартараф этиши масалаларини муҳокама қиласи. Шунингдек, унинг Японияда Афғонистон иқтисодини тиклаш масаласига бағишлаб ўтказиладиган ҳалқаро анжуманда ҳам иштирок этиши кутилмоқда.

(ЎзА).

ТУРФА ОЛАМ

ФИШТ ИЧИДАГИ «ХИКМАТ»ЛАР

Санкт-Петербургга, Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхонанинг қўлёзмалар бўлимига бир вақтлар Ўтра Осиёдан қизиқ бир жўнатма келган эди. Ушбу жўнатма кичикроқ ҳом фиштдан иборат эди. Бундай ўхшовсиз гиштлар илгари ҳўжалик биноларини қуришда ишлатиларди. Фишт билан бирга кўшиб юборилган хатда кекса гидрогеолог Санкт-Петербург олимпариининг эътиборини гишт ёруғидан кўриниб турган қоғозларга жалб қилган.

Реставраторлар қарийб ярим йил мобайнида қоғоз варакларини гиштдан ажратиб олиш билан шуғуландилар. Бу иш меваффақият билан тамомланди. Фишт орасидан ажратиб олинган қоғозлар ўзбек адабиётининг йирик намоёндаси ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг машҳур «Хикматлар»и бўлиб чиқди.

Мутахассислар китобнинг бу қўлёзмаси бундан иккى юз йилдан ошироқ вақт илгари ҳаттотлар томонидан кўчирилганлигини аниқладилар.


ОШҚОЗОНДАГИ БУЮМЛАР

Руҳий хасталикнинг антиқа тури билан касалланган канадалик хонимнинг воқеаси жуда кизик. Унинг одати нимаики буюм учраса, дароров оғизга тикиб ютиш бўлган. 42 ёшида аёл қорни тинимсиз санчиги оғришидан нолиган. Шунда Онтарио шаҳрида жарроҳлар томонидан унинг қорни ёриб кўрилганида, ошқозонидан жами 2533 дона буюм, шу жумладан 947та тўғноғич чиқариб олинган.

Худди шунга ўҳаша воқеа 1985 йилда ҳам содир бўлган. Жанубий Африканинг «Гrott Шуур» касалхонасига оғир аҳволда келтирилган эркакнинг ошқозонидан »212 дона буюм топилган. Улар орасида 53та тиш ювадиган чўтка, 2та телескоп антеннаси, иккита устара ва 150 дона бир марта фойдаланиладиган соқол олиш мосламаси бор эди.

АҚШда эса куйидаги аломат воқеа содир бўлди: 24 яшар руҳан хаста бир бемор аёл узунлиги 12,7 сантиметрли эшик ошиқ-мошиғини ютиб юборган. Қизиги шундаки, темир ошиқ-мошиқ аёлнинг ўн икки бармоқли ичагидан ошқозон ҳамда ҳазм қилувчи бошқа ичаклардан бемалол ўтиб, у ўтирган чинни тувакни чил-чил қилган.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



«МОТОРЛИ ОТ»

«Автомобиль» сўзи қачон пайдо бўлган? 1769 йилда француз механиги Куньо бу двигательда ишлайдиган ўзиорар юк машинасини ихтиро қилганда, жуда катта шов-шувга сабаб бўлганди. Машина аслида иккита от кучига эга бўлиб, соатига бор-йўғи



тўрт километр йўл босарди. 1882 йилда рус механиги Путилов ва Хлобовлар бензин билан ишлайдиган двигателли машина яратишиди. Немис механиклари Бенц ва Даймлерларнинг ихтиrolари «моторли от» деб аталган. Автомобиль сўзи эса, 1894 йилдан бошлаб кўлланилади. Ўшанда Париж-Руан йўли бўйлаб биринчи ҳалқаро автомобиль пойгаси ўтказилганди. Машиналарнинг тезлиги эса, соатига 20 километрни ташкил этарди.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

ТУРФА ОЛАМ

ҚАРИЯЛАРИ ЭЪЗОЗЛИ ЮРТ ОБОДДИР

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши
ҳамда Тошкент вилоят педагог ходимларни қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш институти бир-
галикда 2002 йил – Қарияларни қадрлаш йилига
банишлаб «Ёшлар онгида қарияларни эъзозлаш ҳис-
сими шакллантиришнинг маънавий-маърифий асос-
лари» мавзууда илмий-амалий семинар ўтказди.

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

Унга вилоятдаги бир қанча мактабларнинг ўқитувчилари тақлиф этилдилар.

Тадбирни мазкур институт ректори, психология фанлари номзоди, доцент Эркин Саторов кириш сўзи билан очди. Йиғилишда республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари, филология фанлари номзоди Сул-

тонмурод Олимов, педагогика фанлари номзоди Акрам Акмаловлар сўзга чиқдилар. Уларнинг кексаларни эъзозлаш борасидаги билдиригани фикр-мулоҳазаларини семинар қатнашчилари диккат билан тингладилар. Нотиклар семинар иширикчilarини кизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Ўз мухбиришимиз.

Насрий масал

FURROM FURROM



Ўрмон жонворлари нинг болалари учун мактаб очилиди. Унда Булбул «Ўрмон жонворлари»дан, Тулки овчи тузогига илингасликдан, Бўри овлана усулларидан дарс беришаркан. Жонворлар олами ҳам тури даражадаги кобилият соҳиби қилиб яралган экан-да... Қарангки, Карқунок боласи Булбул талаб этгандек куйлолмалти, Күёнча овчига чап беролмалти, Қашқирча овлашнинг соддагина бир усулини ўзлаштирибди, холос... Нима қулиш керак?

– Бу ахволда болаларимиз ўрмонда кун кўролмайди, улар ўзини ўзи эплаши керак. Биздан неки хизмат бўлса тайёрмиз, болам ўз касбининг сизлардек устаси бўлсин, – дейшишибди ота-оналар. Устоzlар чор-юнонороз рози бўлишибди. Булбул, Тулки, Бўриларнинг кўшимча сабоб бериб, емиш топаётгандиллари «Ўрмон мактаби» муҳордори Очкўз Махлуқ мирзо қулогига етилиши:

– Химм, менга билдирай бу ишларга кўл урдингларми? Биринг меннинг дараҳтим шоҳида, биринг дараҳтим остида паноҳ толиб-а?. Мен-чи, мен! Бас, шундай экан, мен ҳам сенларга шериқман. Шу вактга тўплаган емишларингнинг қоқ ярми менини бўлади. Бу ёғига эса, ҳар ўн кунда бир товукдан берасанлар. Йўқса, Айик полвонга айтиб ҳаммангни адабингни бераман, – дебди.

Кўрқанидан терисининг ранги ўзгариб кетган Тулки ва Бўри Очкўзнинг гапига кўнишибди. Аммо жажжи Булбул ради жавобини берибди.

– Шунча ўзлаштирганинг етмайдими, бир кун эмас бир кун ёрилиб ўласан, – дебдию кўздан гойиб бўлишибди... Бу нарсалар қаттиқ таъсир этганидан Furrak «Furrak-Furrak... Furrrom-Furrrom, Furrrom-Furrrom...» деб кўйлайдиган бўлиб қолган экан.

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ.

Ўзим она бўлгач битта болани катта хилиш азобини тушунгандекман. Шундай дамларда волида мұхтарамам биз – саккиз фарзандларини бирдек тарбиялаб, едириб-ичиргандарига, тоғдек бардошлари, кенг юраклари қошида лол қоламан. Болаликнинг беғубор дамларини, ташвишисиз ўтган дамларимни кўмсайман. Эҳ-хе, у дамлар кимматини билмаган эканмиз.



ОНАЛАР ОЛАМИ

Сирли салтанатда яшардик, дунё кўзимизга бор-бўйича, оппоқ кўринарди. Ўйин билан банд эдик, баҳтиёр эдик.

Мактаб даврини ёнг покиза давр деб атагим келади. Ўйда онажонимиз бағрида бўлсак, мактабда ўқитувчиларимиз қонтида эдик. Онадан кўра улуроқ, ундан-да мўътабарроқ зот бормикин дунёда?! Гарчи бу мавзу неча бор ёзилган бўлса ҳам, уни ҳар бир қалб янгилайди.

Онажоним жуда меҳрибон аёл эдилар. Кўончимиздан кувонардилар, турмушда, бъазан биримиз тушкунликка тушсак бирдек куюнардилар. Мактабга кузатиши олдидан папкамга турли ширинликлар солиб кўярканлар, мен буни мактабда китоб-дафтари мони олаётгандан сезардим. Янги йил, туғилган кун, байрамларда доим бирор нарса олиб берардилар. Хозир ўйлаб қоламан: мен она кўлган меҳрибонликларнинг мингдан бирини кила олдимми? Нега оналар бунчалар хокисор, биздан ҳеч нарсани аямайдилар-у эвазига ҳеч нарса талаб қилмайдилар? Балки бу яшаш

нинг, борлиқнинг мазмунидир, лекин барнибир улар бошқача, таъмадан йирок меҳр бера оладилар. Биз, фарзандлар, кези келганда, ақалли бирор кийимлик олиб беришга кучимиз етмайди, баъзан ширин сўзимизни ҳам аяймиз. Лекин, кўпинча ўша «кейин»лар бизни доғда қолдиради. Оналарнинг дилидагини тушунишга, белига кувват, дардларига дармон бўлишига камдан-кам яраймиз. Биргина Она саботи, бардошини, юраги кенглигини денгизларга, юскалигини кояларга қиёслаш мумкин.

Дўстлар, келинг ён-атроғга каттароқ кўз

очиб, теран нигоҳ билан боқайлик. Оналарнинг ҳар бир сўзини бажариб, мудом хизматига шай турайлик. Онажонимиз дуосини кўпроқ олишга ошиқайлик. Белларига дармон бўлайлик, токи у чеккан барча азоблар босилиб кетсин. Уларнинг биздек фарзандлари билан гурури кўпайсин, кўкси доимо фахрга тўлсин. Бугун ота-онализга қилган эътиборимиз, муносабат-муомаламиз эртага ўзимизга фарзандларимиздан қайтиши муқаррар.

*Она кўнгли гулдек нозик,
Пўлатдек мустаҳкам бўлади.
Меҳр бер, ширин сўз ила,
Дунё-и олами тўлади.
Онага кўп нарса керакмас –
Фарзандлик меҳрини беролсанг бас.*

*Минор бўл, чинор бўл, дуосини ол
Жаннатни излама ўзга ёқлардан,
Үйқусиз тун учун, покиза сут учун
Жондан кеч, асрагин кўнглини доклардан
Онага кўп нарса керакмас –
Фарзандлик меҳрини беролсанг бас.*

Муқаддас ЮСУПОВА.

БИЗИК СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

«САРАТОВ» аслида русча эмас, татарча сўзидир. Волга дарёси бўйидаги бу шахарни атроф-теварақдан баланд тепаликлар куршаган бўлиб, маҳаллий аҳоли уларни тов-тоғ деб атайди. Аслида шахарнинг номи «Сарытов» бўлган, бора-бора Саратовга айланиб кетган.

ХУЛИГАН. XУIII асрда Лондонда Хулигэн деган бир ўспирин бўларди. У безорилик, сурлиқда ягона эди. Шунинг учун ҳам одамлар уни кўп йилларгача унутолмаганлар. XIX асрнинг охирларига келиб инглизлар Лондоннинг Жануби Шарқ худудидаги безориларни,

кейинчалик эса, ахлоқ-одоб доирасидан четлашган одамларни хулиган деб атайдиган бўлишибди. Шундан сўнг «хулиган» сўзи бутун Европага, ҳатто Америка мамлакатларига ҳам тарқалди.


Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Концертда томоша

кўриб қайтган балиқчи, олган таассурутларини дўстига айтапти:

– Бир раккоса чунонам хиром этдик, чўртдан дессанг чўртсанга, лакча дессанг, лакча балиқча ўҳшамайди...

Хусан АҲМЕДОВ.




Тошкент вилояти хокимлиги жамоаси Оҳангарон тумани хокими Улубек Иброҳимовга волида мұхтараси

ШОХИДА аянинг вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти Хокими ижория маҳкамасининг Матбуот бошқармаси собиқ «Наврӯз» нашириётининг соғик директори, таникли ёзувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Оқилжон КУСАНОВНИНГ вафоти муносабати билан оила азозлари ва яқинларига чукур таъзия изҳор этади.



Муассисе
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ХОКИМЛИГИ

Бош мұхаррир
Фатҳиддин
МУХИДДИНОВ

Телефоннан:
Хатлар ва оммаий
ишлар бўлами: 133-40-48.
Эълонлар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шахри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот кўмитаисида 8 раками
билингвальдатта олинган.
Газета «Тошкент ҳокимлиги»
таджириати компьютер
марказида термилди ва
саҳифаланди.

* Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
лилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масбўлдир.